



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Olimjon G‘ayrat o‘g‘li Fattoyev Peculiarities of stock market development	157
Abdulxay Xasanboyevich Xodjayev, Omonilla Saydaminovich Umarov Transformatsion davlatda iqtisodiy xavfsizlikka ta’sir qiluvchi omillar	160
Рохила Баходир қизи Азизова Заргарлик хизматларини кўрсатишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш	163
Shahnoza Abdirashitovna Po‘latova Global iqtisodiyot sharoitida innovatsiyalar va yashil marketing konsepsiyasidan foydalanishning dolzarb masalalari	169
Xilola Nematovna Ochilova O‘zbekistonda oliy ta’lim tizimini boshqarishning o‘ziga xos xususiyatlari	173
Baxtiyor Nabijanovich Dedajanov Operatsion faoliyat, uni boshqarish va yangi tendensiyalar	178
Bezodjon Oblakulov, Mekhrusa Vafokulova Marketing analysis of international brand in the case of “Chartak mineral water jv ltd”	182
ИНВЕСТИЦИЯ	
Заррух Умарович Мухаммадиев Иқтисодиётнинг ривожланишида капитал инвестицияларнинг роли ва аҳамияти	186
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Жахонгир Расулович Зайналов Проблемы налогообложения прибыли инновационных предприятий	192
Xusnora Dilmurod qizi Umarova Kuchli raqobat sharoitida korxonalar moliyaviy barqarorligini ta’minlash masalalari	196
Abdusamat Abdusaitovich Mamanazarov Bank faoliyatini tartibga solishning zamonaviy mexanizmlarini tatbiq etish	199
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Mamurjon Avazxon o‘g‘li Abdivoxidov Xizmat ko‘rsatish sohasini samarali rivojlantirish yo‘llari	206
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Jaxongir Baxtiyorovich Quljanov, Shaxnoza Ergashevna Samandarova Katta sonlar qonuni va markov teoremasi	213
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, ёшларни ўз атрофига жалб этадиган лойиҳа ва ташаббусларга оид айрим таклиф ва тавсиялар	216
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Бола тарбияси	218

ИНВЕСТИЦИЯ

Заррух Умарович Мухаммадиев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти, PhD

РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА КАПИТАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мазкур мақолада капитал инвестицияларнинг ҳисоб объекти сифатидаги таърифи ва тавсифи илмий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этилган бўлиб, рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида мамлакат асосий капиталига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ва уларнинг ўзгариш динамикаси, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларига киритилган асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таҳлили ҳамда ҳисоб объекти сифатидаги уларнинг таснифий асослари каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, яшил иқтисодиёт, капитал инвестициялар, асосий капиталига ўзлаштирилган инвестициялар, капитал инвестициялар ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби, капитал инвестициялар ҳисоб объекти сифатидаги тавсифи, капитал инвестициялар молиялаштириш манбалари.

Кириш. Ҳозирги рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида турли тармоқларда ўсиш суръатларини таъминлаш орқали корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишда капитал инвестицияларнинг роли каттадир. Бинобарин, корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш, рақамли технологияларнинг жорий этилиши, уларнинг рентабеллик даражасини ошириш капитал инвестицияларни талаб қилади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2024 йил 3 май кундаги хорижий инвесторлар кенгаши доирасида ўтказилган очиқ мулоқотда сўзлаган нутқида мамлакатда капитал бозорни ривожлантириш, бунда хорижий инвесторларни жалб қилиш каби устувор вазифалар белгилаб берилди¹. Ушбу вазифалардан англаб олиш мумкинки, бугунги кунда иқтисодий тармоқларни ривожлантиришнинг яна бир йўли бу корхоналарда капитал инвестицияларни киритиш бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш”² энг асосий вазифалардан этиб белгиланган. Демак, корхоналарда капитал инвестицияларни киритишга алоҳида аҳамият қаратиш, уларда инвестицион муҳитни барпо этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тадқиқотлар давомида аниқ бўлдики, “капитал инвестициялар” категорияси айрим халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки адабиётларда “капитал қўйилмалар” деб келтирилган бўлиб, бу икки атама ўзаро синоним атамалар сифатида қўлланилган. Хоссатан, Россия давлатининг “Россия Федерациясида капитал қўйилмалар шаклида амалга ошириладиган инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Федерал қонунида куйидаги таърифни учратиш мумкин: “капитал қўйилмалар – асосий капиталга (асосий воситаларга) қўйилмалар, шу жумладан янги қурилиш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, машиналар, асбоб-ускуналар, асбоблар, инвентарларни сотиб олиш, лойиҳа қидирув ишлари ва бошқа харажатлар”³. Ушбу қонун XX асрнинг охирида қабул қилинган бўлиб, унда бизнинг мамлакатимиз меъёрий ҳужжатларида келтирилгани каби Россия Федерациясининг ҳам

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/7204>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 07 февраль. ПФ-4947.

³ Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида капитал қўйилмалар шаклида амалга ошириладиган инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Федерал Қонуни. 1999 йил 25 февраль. № 39-ФЗ.

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам “капитал инвестициялар” атамаси “капитал қўйилмалар” номи билан ифодаланган. Таърифда капитал инвестицияларнинг асосий объектлар бўйича қилинган харажатларни назарда тутган бўлса-да, бироқ капитал инвестицияларнинг бошқа активларга ҳам таъсири етарлича ҳисобга олинмаган.

АҚШнинг Огаё университети олимларидан У.Кентон, “Капитал қўйилмалар (Capital Investment) – бу компаниянинг узоқ муддатли бизнес мақсадлари ва вазифаларига эришиш учун фойдаланиш учун жисмоний активларни сотиб олиш. Кўчмас мулк, ишлаб чиқариш корхоналари ва машиналар капитал қўйилмалар сифатида сотиб олинмаган активлар қаторига киради”¹, деб таъкидлайди.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда капитал инвестициялар иқтисодий категориясига қўйидагича таъриф келтирилган: “Асосий фондларни яратиш ва такрор кўпайтиришга, шу жумладан янги қурилишга, модернизация қилишга, реконструкция қилишга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга киритилмаган инвестициялар капитал инвестициялар жумласига киради”².

Россиялик олим Л.В.Галаяпинанинг капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этиш, унинг моделлари ва методологик масалалари мавзусида бажарилган илмий тадқиқот ишида қўйидагича таърифни учратиш мумкин: “Капитал қўйилмалар иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларнинг шакллари билан бири бўлиб, корхоналарни ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади”³. Олим ушбу таърифда инвестицияларнинг асосий тури бу капитал инвестициялар эканлигини эътироф этиб, хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришда асосий омил сифатида қарайди.

Тадқиқотлар давомида мамлакатимиз олимлари томонидан капитал инвестицияларга оид таъриф ва тавсифлар тадқиқ этилди. Мамлакатимиз олимларидан К.Б.Уразов ва М.Э.Пўлатовлар томонидан қўйидагича таъриф берилган: “Капитал инвестициялар – бу янги объектларни қуришга, эски объектларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга, шунингдек янги асосий воситаларни сотиб олишга сарфланган маблағлар мажмуаси”⁴. Мазкур таъриф “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда келтирилган капитал инвестицияларга берилган таърифта мос келиб, капитал инвестицияларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини тўлиқроқ ифодалайди.

О.И.Очилов эса, “Капитал инвестициялар – бу келгусида иқтисодий-ижтимоий наф келтирадиган, хусусий активларни миқдор ва сифат жиҳатдан оширишга қаратилган мақсадли қўйилмалар”⁵, деб ҳисоблайди. Қисқа тарзда ёритилган ушбу таърифдан корхоналар томонидан капитал инвестицияларни жорий этишдан асосий мақсад фойда кўрсаткичларига қаратилганлигини англаб олиш мумкин.

Ю.С.Ахмедованинг фикрича, “Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали ривожланиши, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларидан юқори бўлишига эришиш, реал секторнинг фаол ҳаракати энг аввало уларни зарур бўлган капитал қўйилмалар етарли ҳажми билан таъминланиши керак бўлади. Замоनावий рақамли иқтисодиёт ва инновацион иқтисодиёт шароитида республика иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган инвестицияларни кўпайтиришнинг янги ёндашувлари ва усуллари излаш энг долзарб муаммолардан биридир”⁶. Ушбу тавсиф бугунги иқтисодиёт шароитида

¹ <https://www.investopedia.com/terms/c/capital-investment.asp>

² Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. 598-сон.

³ Галаяпина Л.В. Организация бухгалтерского учета капитальных вложений: модели и методические решения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Краснодар: 20006. 19-с.

⁴ Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi” -2021, 560 бет. 145-бет.

⁵ Очилов О.И. Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. -Т.: 2021, 228 б. 33-бет.


⁶ Ахмедова Ю.С. Инвестицион муҳит – иқтисодиёт ривожининг муҳим омили сифатида // Молия бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, замоनावий тенденциялари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.:ТДИУ. 2022. 956 б. 492-бет.

капитал инвестицияларнинг аҳамиятини очиб бериб, ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришнинг муҳим эканлигини исботлайди.

Юқорида келтирилган таъриф ва тавсифлардан хулоса қилиш мумкинки, илмий адабиётларда капитал инвестицияларга оид турлича ёндашувлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг айримларида капитал инвестицияларнинг фақатгина даромад ва фойда кўрсаткичларини ёритилган бўлса, баъзиларида эса, корхона фаолиятини кенгайтирувчи омиллардан бири сифатида эътироф этилган.

Тадқиқот методологияси. Рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида капитал инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги мазмун-моҳияти, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда уларнинг аҳамияти бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, статистик таҳлил, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, киёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Республикада охириги йилларда инвестициялар, хоссатан унинг асосий турларидан бири ҳисобланадиган капитал инвестициялар бўйича олиб борилаётган инвестицион сиёсат натижасида иқтисодий кўрсаткичларимиз сезиларли даражада ижобий томонга ўзгарди. Зотан, мамлакатимизда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тадқиқотлар давомида ушбу кўрсаткичлар йиллар кесимида таҳлил қилинди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2019-2023 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўмда¹


Расмда келтирилган кўрсаткичлардан аниқлаш мумкинки, мамлакатда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми тез суръатлар ошиб, 2023 йилдаги бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўпдир.

Шунингдек, тадқиқотлар асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ва асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўзгаришини статистик маълумотлар асосида таҳлил қилишни тақозо этди (2-расм).

Юқорида келтирилган статистик таҳлиллар асосида қайд этиш керакки, Республикада 2020-2022 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми олдинги ва кейинги йилларга нисбатан паст даражада бўлган. Бу ҳолатни, пандемия даврида содир бўлган иқтисодий инқироз билан изоҳлаш мумкин бўлиб, барча соҳалар каби, албатта ушбу соҳага ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Йилдан-йилга ушбу кўрсаткичлар ошиб бораётган бўлса-да, бироқ 2019 йилда эришилган натижа охириги 5 йилдаги энг юқори натижа бўлиб сақланиб қолмоқда. Худди шундай фикрни асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўзгариши бўйича кўрсаткичларни ҳам айтиш мумкин.

Ҳар қандай инвестиция каби капитал инвестициялар ҳам, албатта, молиялаштиришни талаб этади. Капитал инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари турлича амалга оширилиб, уларнинг таъсири ҳам тармоқ субъектларига турличадир. Келиб

¹ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида 2019-2023 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ўзгариши, фоизда¹

тушиш манбаларига кўра корхоналарда капитал инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан ташқи ва ички капитал инвестицияларга бўлинади. Корхоналарга капитал инвестициялар учун мўлжалланган ташқи капитал инвестицияларни, ўз навбатида, яна иккита гуруҳга ажратиш мумкин. Булар:

*ташқи хорижий капитал инвестициялар;

*ташқи миллий капитал инвестициялар.

Шу боис, ушбу тадқиқот ишимизда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларини юқоридаги таснифий мезонлари бўйича таҳлил қилишни лозим, деб топдик (1-жадвал).

1-жадвал

2019-2023 йилларда асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таҳлили, фоизда²

№	Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023
1	Ички капитал инвестициялар (корхона ва аҳолининг ўз маблағлари)	29,3	40,8	38,0	40,6	31,8
2	Ташқи капитал инвестициялар (жалб қилинган маблағлар), шу жумладан	70,7	59,2	62,0	59,4	68,2
Ташқи хорижий капитал инвестициялар						
2.1	Чет эл инвестициялари ва кредитлари	43,6	42,7	42,3	42,8	56,7
Ташқи миллий капитал инвестициялар						
2.2	Давлат бюджети	9,0	6,8	9,3	8,0	6,5
2.3	Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	13,8	7,6	8,0	6,6	3,8
2.4	Бошқа манбалар	4,3	2,1	2,4	2,0	1,2
	Жами	100	100	100	100	100

¹ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

² Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз томонидан олиб борилаётган инвестиция сиёсатида ташқи капитал инвестицияларни киритишнинг юқорида келтирилган ҳар икки турига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Корхоналарга капитал инвестицияларни киритишда ташқи миллий инвестициялар муҳим ўрин эгаллайди. Улар таркибига корхоналар томонидан давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан киритилган инвестициялар, ажратилган грантлар ва субсидиялар, тижорат банкларининг кредитлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслардан олинган қарзлар ва таъсис бадаллари киради.

Корхоналарга капитал инвестицияларни киритишда мўлжалланган ички инвестициялар бўлиб корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобланади. Бундай маблағларнинг манбалари бўлиб корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятдан олинган ҳисобот йилининг соф фойдаси, ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси, пулсиз харажатлар ҳисобланган жамланган амортизация ажратмалари, шунингдек махсус ташкил қилинган резерв капитали ҳамда келгуси тўловлар учун шакллантирилган резервлар ҳисобланади.

Юқоридаги статистика маълумотлари асосида таҳлил қилинган ушбу жадвал маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, охириги 5 йилда мамлакатда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми салмоқли ҳиссани ташкил этади. Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари йиллар кесимида турлича бўлиб, чет эл инвестициялари ва кредитларининг улуши бошқа молиялаштириш манбаларига нисбатан кўпроқ ҳиссани ташкил этмоқда. Бу, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг тўғри олиб борилаётганлиги, корхоналарнинг инвестицион жозибadorлигининг ошиб бораётганлиги, қолаверса, бошқа давлатларнинг мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига бефарқ эмаслигидан далолат беради.

Юқоридаги тадқиқотлар натижасида айтиш мумкинки, рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида корхоналарда капитал инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш, ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг капитал инвестицияларга оид ахборотларга бўлган бўлган эҳтиёжларини қондирувчи молиявий ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш, умуман олганда корхоналарда капитал инвестициялар бухгалтерия ҳисобини назарий ва амалий томондан такомиллаштириш бугунги кунда долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Бугунги кунда, рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида капитал инвестициялар, уларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги роли ва аҳамияти бўйича камчиликлар мавжуд бўлиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида ушбу камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича қуйидаги илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, бугунги кунда, турли тармоқларда фаолият юритаётган корхоналарда хорижий инвесторларни жалб этиш ушбу корхоналар фаолиятини ривожлантиришнинг бош мезонларидан бири ҳисобланади. Бу эса, рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида корхоналарда хорижий инвесторларнинг молиявий ахборотларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган даражада, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ келувчи молиявий ҳисобот шакллари тузиш каби вазифаларни юклайди.

Иккинчидан, корхоналарда янги рақамли технологияларни жорий этиш орқали модернизациялаш, ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш, уларнинг бухгалтерия ҳисобини оптималлаштириш, бунинг натижасида эса, корхоналарда маҳсулот таннархини пасайтиришга эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, корхоналарнинг инновацион маҳсулотларини экспорт қилишлари бўйича давлат томонидан кенг шарт-шароитлар очиб бериш, солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш натижасида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот турларини ташқи бозорларга чиқаришга кўмаклашиш лозим.

Тўртинчидан, корхоналарга капитал инвестицияларни киритиш орқали тайёр маҳсулот ёки хизматлар сифати ва уларнинг ҳажмини, қолаверса корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш лозим бўлади.

Ушбу жараёнларни корхоналар фаолиятига жорий этиш, рақамли ва яшил иқтисодиёт шароитида капитал инвестициялар ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиш, ўз навбатида, корхоналарда ташқи инвесторларнинг қизиқишини орттиришга сабаб бўлиб, корхоналарга инвестицияларнинг кириб келишига, бунинг натижасида, уларнинг фаолиятини модернизациялашга, бу эса, корхона харажатларини тежашга, маҳсулот таннархини пасайтиришга, корхона даромадларининг ошиб кетишига замин ҳозирлайди, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. 598-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 07 февраль. ПФ-4947.
3. Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида капитал қўйилмалар шаклида амалга ошириладиган инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Федерал Қонуни. 1999 йил 25 февраль. № 39-ФЗ.
4. Галяпина Л.В. Организация бухгалтерского учета капитальных вложений: модели и методические решения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Краснодар: 2000б. 19-с.
5. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi” -2021, 560 бет. 145-бет.
6. Очилов О.И. Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. -Т.: 2021, 228 б. 33-бет.
7. Ахмедова Ю.С. Инвестицион муҳит – иқтисодиёт ривожининг муҳим омили сифатида // Молия бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, замонавий тенденциялари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.:ТДИУ. 2022. 956 б. 492-бет.
8. <https://www.investopedia.com/terms/c/capital-investment.asp>
9. <https://president.uz/uz/lists/view/7204>

<p>З.Мухаммадиев</p> <p>Роль и значение капитальных вложений в экономическом развитии республики</p> <p>Аннотация. В данной статье научно и теоретически исследованы определение и описание капитальных вложений как объекта учета, а также такие вопросы, как объем инвестиций в основной капитал страны в условиях цифровой и зеленой экономики и их динамика изменения, а также проведен анализ источников финансирования инвестиций в основной капитал в отраслях экономики и их классификационная основа как объекта учета.</p> <p>Ключевые слова: цифровая экономика, зеленая экономика, капитальные вложения, вложения в основной капитал, учет капитальных вложений, бухгалтерский учет, характеристика капитальных вложений как объекта учета, источники финансирования капитальных вложений.</p>	<p>Z.Mukhammadiev</p> <p>The role and significance of capital investments in the economic development of the republic</p> <p>Abstract. In this article, the definition and description of capital investments as an object of account is scientifically and theoretically researched, the volume of investments in the country's fixed capital in the context of the digital and green economy and their dynamics of change, as well as the analysis of capital investments in economic sectors by sources of financing and as an object of account issues such as their classification bases are covered.</p> <p>Keywords: digital economy, green economy, capital investments, fixed capital investments, capital investment accounting, accounting, description of capital investments as an object of accounting, capital investment financing sources.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

12.09.2024 йилда теришга берилди. 27.09.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0110А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.